

Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ, Н. МАМАТОВ,
Р. ШУҚУРОВ

ЎЗБЕК ТИЛИ
АНТОНИМЛАРИНИНГ
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

УНИВЕРСИТЕТЛАР ВА ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ СТУДЕНТЛАРИ
УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Филология фанлари доктори, профессор
И. К. Қўчқортов
жамоатчилик асосида таҳрир қилган.

ТОШКЕНТ—«ЎҚИТУВЧИ»—1984

Бу лугат ҳозирги ўзбек тилидаги антонимларнинг дастлабки лугати бўлиб, унда 495 антонимик группага бирлашувчи 1800 га яқин антонимик жуфтлик тасвирланган. Антонимик мувосабат лексик маънолар ора беғиланиб, антонимларнинг маъноси таърифланган ва мисоллар келтирилган. Айни вақтда ҳар бир антоним остида, агар мавжуд бўлса, сирилган. Айни вақтда ҳар бир антоним остида, агар мавжуд бўлса, сирилган. Лугатнинг кириш қисмida антонимларнинг табияти, турлари ва ўхшаш тил ҳодисаларидан фарқлари ҳақида қисқача маълумот берилган.

Лугат филология факультетлари студентларига, тил ва адабиёт ўқитувчиларига мўлжалланган. Бу лугат бадиий ижод ҳазаскорлари ва умуман ўзбек тилининг лексик бойлиги билан қизиқсан ҳар бир зиёли учун ҳам фойдали қўлланма бўлади.

Алфавит	4
Сўз боши	5
Кириш	7
I. Лугатга антонимларнинг танланиши	7
II. Лугатнинг туэилиши	12
Шартли қисқартмалар	18
Лугат	19

А— 19	К— 106	Х— 186
Б— 36	Л— 127	Ч— 192
В— 63	М— 129	Ш— 196
Г— 64	Н— 138	Э— 198
Д— 67	О— 142	Ю— 202
Е— 72	П— 154	Я— 203
Ё— 75	Р— 156	Ў— 204
Ж— 81	С— 158	Қ— 207
З— 85	Т— 169	Ғ— 211
И— 90	Ү— 179	Ҳ— 212
Ӣ— 101	Ф— 184	

Кўрсаткич	214
---------------------	-----

©«Ўқитувчи» нашриёти, 1980.

P $\frac{70105-215}{353(04)-80}$ 300—80 4602020000

Аа	Жж	Нн	Фф	Ээ
Бб	Зз	Оо	Хх	Юю
Вв	Ии	Пп	Цц	Яя
Гг	Йй	Рр	Чч	Үү
Дд	Ққ	Сс	Шш	Ққ
Ее	Лл	Тт	ъ	Ғғ
Ёё	Мм	Үү	ь	Ҳҳ

Қўлингиздаги луғат ўзбек лексикографияси тажрибала-рига суюнган ҳолда, антонимлар бўйича ёзилган илмий ишларни ва нашр қилинган луғатларни ўрганиш асосида тузилди. СССРда шу кунгача эълон қилинган антонимлар луғатлари кўп эмас. В. Н. Комиссаровнинг инглиз тили антонимлари бўйича, В. М. Завъялованинг немис тили антонимлари бўйича тузган луғатлари бу тип луғатларнинг тўнгичлари ҳисобланади. Кейинроқ Л. А. Введенскаянинг, Н. П. Колесниковнинг рус тили антонимлари бўйича, М. Х. Ахтамовнинг бошқирд тили антонимлари бўйича тузган луғатлари босилиб чиқди.¹

Луғатимизни тузишда, антонимлар луғатларидан ташқари, А. Ҳожиевнинг ўзбек тили синонимлари бўйича, Ш. Раҳматуллаевнинг ўзбек тили фразеологик бойлиги бўйича тузган луғатларидан ва бошқа луғатлардан, шунингдек ЎзФА Тил ва адабиёт институти луғат секторининг картотека фондидан ҳам фойдаландик.²

1. В. Н. Комиссаров, Словарь антонимов современного английского языка, М., 1964; В. М. Завьялова, Антонимы (Пособие по лексике немецкого языка), М., 1969; Л. А. Введенская, Словарь антонимов русского языка, Ростов-на Дону 1971; Н. П. Колесников, Словарь антонимов русского языка, Тбилиси, 1972; М. Х. Ахтамов, Бошкорт теленен антонимлар нузлеге, Өфө, 1973. Яқинда, луғатимиз нашрга тайёрлангач, М. Р. Лъявонинг луғати нашрдан чиқди: Словарь антонимов русского языка, М., 1978.

2. А. Ҳожиев, Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати, Т., 1963; Ш. Раҳматуллаев, Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати, Т., 1964.

Айрим масалаларда, масалан, лугатта антонимик жуфтликлар танлашда, лугат мақолалари структурасини белгилашда, антонимлар табиатини турли нуқтai назарлардан ва аниқ очишга интилишда мустақил йўл тутишга тўғри келди.

Бу лугат қўл ёзмаси билан Ф. А. Абдуллаев, А. Хожиев, Э. Фозилов, О. Усмонов, Т. Алиқулов, А. Маҳмудов, Й. Абдуллаев, М. Омилхонова, А. Сайфуллаев ўртоқлар танишиб чиқиб, ўз маслаҳатлари билан катта ёрдам бердилар. Авторлар бу ўртоқларга самимий миннатдорчилик изҳор этади.

Антонимлар лугатини тузиш ўзбек лексикографиясида дастлабки тажриба бўлгани сабабли бу лугат айрим нуқсонлардан холи бўлмаслиги мумкин. Авторлар лугат сифатини яхшилашга ёрдам берадиган барча танқидий мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиласди.

I. Лугатта антонимларнинг танланиси

Қарама-қарши, зид маъно билдирадиган сўзлар бироқ иккинчисига нисбатан антоним дейилади: *китта*—кичик, узоқ—яқин, чап—ўнг, *согаймәқ*—касал бўлмоқ, *муҳаббат*—нафрат каби.

Сўз туркумлари бўйича антонимлар белги билдирадиган сўзлар доирасида, айниқса сифат ва равишлар орасида кўп учрайди: *яхши*—ёмён, *баланд*—*паст*, *тор*—кенг, *қаттиқ*—юшиоқ, *тез*—секин, *оз*—*кўп* каби.

Сифат антонимларнинг бир қисми тасдиқ, мавжудлик маъносини ифодаловчи -ли, бо- ҳамда инкор, номавжудлик (йўқлик) маъносини ифодаловчи -сиз, бе-, но- каби аффикслар воситасида ясалади: *бахтли*—*бахтсиз*, *аклли*—*бебақл*, *инсофли*—*ноинсоф*, *боҳабар*—*бехабар* каби. Бу мисоллар ўзбек тилида -ли ва -сиз каби аффикслар воситасида турли ўзаклардан ясалган сўзларнигина эмас, балки айни бир ўзакдан ясалган сўзларни ҳам антонимлар деб тан олиш лозимлигини кўрсатади.

Бироқ бундай аффикслар воситасида ясалган барча сўзлар антоним бўлавермайди. Айни бир ўзакдан юқоридаги аффикслар воситасида ясалган сўзлар ўзакдан англашиладиган маънолинг оддий тасдиқ ёки инкори бўлмай, балки ясалмадан яхлитлигича янги лексик маъно ифодаланса, шундагина бу сўзлар антонимлар бўлади. Бундай ясама сўзларнинг антонимлар эканлигини бу сўзларга шу тилда туб сўз синоним мавжудлиги билан текшириб кўриш мумкин. Масалан, *кучли* сўзига зўр, *кучсиз* сўзига заиф каби синонимнинг мавжудлиги ёки жонли сўзига тирик, жонсиз сўзига эса ўлик каби синонимнинг мавжудлиги уларнинг антоним эканини кўрсатади.

Бир ўзакдан ясалган сўзлар шу ўзакдан англашилган

предметнинг оддий тасдиқ ва инкорини билдируса, юқорида таъкидланган хусусиятларга эга бўлмаса, улар антоним бўла олмайди. Масалан, *дафтарли* — *дафтарсиз* сўзларидан ҳар бири яхлитлигича янги лексик маъно англатмайди, демак, антоним бўлмайди. Бундай хусусиятли ҳодисалар антонимлар лугатига деярли киритилмади.

Сифат туркумига хос антонимлар ҳажм (*капта*—*кичик*, *баланд*—*аст*), ҳолат (*иссиқ*—*совуқ*, *ёш*—*қари*), ҳарактер-хусусият (*саҳий*—*хасис*, *ботир*—*қўрқоқ*, *ақлли*—*ахмоқ*), шакл (*тўғри*—*эрги*), маза (*аччиқ*—*ширин*) каби маъноларни англатади.

Равиш туркумига хос антонимларнинг кўпи ўрин, масофа (*бери*—*нари*, *узоқ*—*яқин*), пайт (*кеча*—*эртага*, *аввал*—*кейин*), ҳолат (*тез*—*секин*; *аранг*, *зўрға*—*бемалол*, *даст*), миқдор (*кўп*—*оз*), мақсад (*атайин*, *атайлаб*, *жўрттага*—*бехихтиёр*, *бехосдан*) каби маъноларни англатади.

От туркумига хос сўзлар ичida ҳам антонимлар анчагина. Булар асосан *бойлик*—*камбагаллик*, *ботирлик*—*қўрқоқлик* каби белги отлари, қарама-қарши томонларни билдирувчи *шарқ*—*гарб*, *жануб*—*шимол* каби сўзлар ҳамда йил фасларининг ва сутканинг қарама-қарши нуқталарини билдирувчи *баҳор*—*куз*, *ёз*—*қиши*, *кеча*—*кундуз*, *тоңг*—*шом* каби сўзлар бўлади.

Феъл туркумида ҳам антонимлар кўп. Булар асосан белги билдирувчи антоним сўзлардан (сифатлардан, равишилардан) ясалган феъллар бўлади: *кенгаймоқ*—*тораймоқ*, *кўпаймоқ*—*озаймоқ*, *секинлашмоқ*—*тезлашмоқ* каби. Бундан ташқари, антонимлар қарама-қарши ҳаракатни билдирувчи *бормоқ*—*келмоқ*, *кирмоқ*—*чиқмоқ* каби туб феъллар орасида ҳам бор.

Бирор феълнинг сифатдоши формаси мазмунан сифатга тенглашса, антонимик жуфтлик ҳосил қила олади. Сифатдошиларнинг антонимик жуфтлик компоненти бўла олишини белгилашда уларнинг яхлитлигича янги лексик маъно билдиришини, шу тилда синоними мавжудлигини ҳисобга олдик. Масалан, *ўқиган*—*ўқимаган* сўзлари *билимли*—*билимсиз*, *илимли*—*илимсиз* каби жуфтликларга синоним; *билимсиз* сўзига антоним бўладиган *ўқиган* сўзи «мутолаа қилган» маъносини эмас, балки «билим олган» маъносини англатади. Ана шундай белгиларга эга сифатдошлар антонимлар лугатига жуда чекланган миқдорда киритилди.

Бирор феълнинг равишидоши формаси равишига, ҳаракат ноҳми формаси отга кўчган бўлса, шундагина улар антонимлар лугатига киритилди: *бошлаб* (равишига кўчган; синоними—*аввал*, *олдин*; антоними—*кейин*, *сўнгра*), *уруш* (отга кўчган, антоними—*тинчлик*) каби. Бундай ҳодисалар ҳам лугатга жуда оз киритилди.

Аслида бир-бирига зид маъно билдирийдиган, фақат айрим текстларда қарама-қарши маънода ишлатиладиган сўзлар контекстуал антонимлар дейилади: *туз*—*қанд*, *ўт*—*сув* каби¹. Антонимлар лугатига узуал антонимларгина киритилди.

Кўпгина тилшунослар қариндошлик билдирувчи *она*—*си*—*нгил*, *ака*—*ука*², *ўғил*—*қиз*, *тога*—*хола*³ каби сўзларни антоним хисоблайдилар ва антонимлар лугатига киритадилар. Масалан, М. П. Колесников антонимларга *бабка*—*дед*, *бабушка*—*внучка*, *батюшка*—*жматушка*, *брат*—*сестра*, *вдова*—*вдовец*, *внук*—*внучка*, *девочка*—*жальчик* каби сўзларни келтиради.⁴ Ҳали тортишувли бўлгани сабабли биз бундай сўзларни антонимлар лугатига ҳозирча киритмадик.

Антонимларни белгилашдаги асосий ўлчов — лексик маъно, яъни сўзларнинг зид маъноларни билдириши. Шу билан бирга, сўзларнинг антоним эканини белгилашда мантиқий марказ принципидан ҳам ўринли фойдаланиш лозим. Антонимик қутбларнинг ўртаси деб фараз қилинган нуқта ёки икки антоним сўз билдирган тушунчалар ўртасидаги оралиқ тушунча мантиқий марказ дейилади (Мантиқий марказни шартли равиша М ҳарфи билан белгилаш мумкин). Масалан, баҳони англатувчи яхши (4) ва ёмён (2) сўзларига нисбатан *кониқарли* (3) сўзи, *кеча* ва *кундуз* сўзларига нисбатан *тоңг* ва *шом* сўзлари, *баландлик* ва *пастлик* сўзларига нисбатан *текислик* сўзи мантиқий марказ ҳисобланади.

Мантиқий марказ бўлиб келадиган сўз одатда нейтрал, нормал ҳолатни билтиради. Овқатнинг туз-намаги жойида бўлса, нормал ҳисобланади. Туз миқдори нормал ҳолатдан оз

1. Қаранг: У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев, Ҳозирги ўзбек адабий тили, Т. 1975, 39-бет.


2. С. Усмонов, Антонимлар, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1958, 2-сон, 38-бет; В. И. Клюева, Проблема антонимов, Ученые записки МГПИИЯ, том IX, М., 1956, 78-бет; Ҳозирги ўзбек адабий тили, I том, 1966, 146-бет; У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев, Ӯша асар, 36-бет.

3. Ҳозирги ўзбек адабий тили, I том, 1966, 146-бет.

4. М. П. Колесниковнинг юқорида таъкидланган лугатига қаранг.

бўлса ёки бутунлай бўлмаса, тузсиз, ортиқ ёки жуда кўп бўлса, шўр дейилади. Ана шундай нормал ҳолатнинг иккى қарама-қарши қутбини билдирувчи *тузсиз* ва *шўр* сўзлари ўзаро антоним бўлади.

Масалага мантиқий марказ нуқтаи назаридан қаралса, шу кунгача антоним деб ҳисоблаб келинган *кеча* — *бугун*, *бугун* — *эртага*, *қиши* — *баҳор* каби жуфтликларнинг антоним эмаслиги, чунки улардан бирни асли оралиқ тушунча, яъни мантиқий марказ эканлиги маълум бўлади. Мантиқий марказга асосланниб фикр юритсан, *кеча* — *эртага*, *баҳор* — *куз*, *ёз* — *қиши* сўзлари антоним экани аниқ кўринади. Буни схемада қўйидагича кўрсатиш мумкин:




Ўтмиши — *ҳозир* — *келажак*, *иссиқ* — *илиқ* — *совук* каби муносабатларни ҳам ана шундай схема чизиб кўрсатиш мумкин.

Айрим ҳолларда мантиқий марказнинг иккига томонида қарама-қарши тушунчаларни билдирувчи бир неча жуфтлик бўлади: *аъло* (*жуда яхши*) — *яхши* — *ўрта* (*M*) — *ёмон* — *жуда ёмон* каби. Буни схемада шундай кўрсатиш мумкин:



Бундай ҳолларда ўз маъносига кўра мантиқий марказдан тенг узоқликда жойлашадиган сўзлар ўзаро антонимик жуфтлик ҳосил қиласди.

Фасл билдирувчи *баҳор*, *ёз*, *куз*, *қиши* сўзларининг антонимик муносабатини схемада қўйидагича кўрсатиш мумкин:



Бу ерда *баҳор* сўзи билан *куз* сўзи, *ёз* сўзи билан *қиши* сўзи, шунингдек *куз* сўзи билан *баҳор* сўзи ва *қиши* сўзи билан *ёз* сўзи ўзаро антонимлардир. Схемадан кўринади, *баҳор* — *куз* муносабатида *ёз*, *куз* — *баҳор* муносабатида *қиши*, *қиши* — *ёз* муносабатида *баҳор*, *ёз* — *қиши* муносабатида эса *куз* мантиқий марказdir.

Дунё томонларини билдирувчи *шарқ*, *гарб*, *жануб*, *шишмол* сўзларининг, шунингдек сутканинг айрим қисмларини билдирувчи *кундуз*, *кеча*, *шом*, *тонг* сўзларининг ўзаро антонимик муносабатини ҳам шу схема асосида кўрсатиш мумкин.

Баъзи антонимик жуфтликларда мантиқий марказни билдирувчи алоҳида сўз бўлмайди. Масалан, *қаҳқаҳа* — *фарёд*, *кулғи* — *йиғи* жуфтликларида мантиқий марказни билдирувчи алоҳида сўз йўқ, аммо оралиқ ҳодисанинг ўзи бор: *у* — *кишининг кулмасдан*, *йиғламасдан*, нормал турган ҳолати. Бундай схемада шундай ҳосил қиласди.

дай ҳолларда мантиқий марказ сифатида экстралингвистик факторни — воқеликнинг ўзини кўзда тутиш лозим бўлади.

Бор — йўқ, адабли — адабсиз каби баъзи антонимик жуфтликларда оралиқ тушунча, бинобарин, мантиқий марказ умуман бўлмайди. Бундай ҳолларда сўзларнинг антонимлиги асосий ўлчов — ўзаро вид маънони англатишлари асосида белгиланади.

Баъзи луғатларга *аллопатия* — *гемопатия, анаболизм—кatabолизм* каби терминологик антонимик жуфтликлар кўп-лаб киритилган.¹ Биз бундай антонимик жуфтликлардан на-муналар бериш билантина чекландик.

Луғатларнинг баъзисида туб ва ясама сўзлардан иборат антонимик жуфтликлар биргаликда берилган,² баъзисида эса булар алоҳида-алоҳида берилган.³ Қўлингиздаги луғатда ту-зилиш жиҳатидан турлича бўлган антонимлар биргаликда берилди. Чунки бундай қилиш луғат мақоласида тилдаги ҳар қандай антонимик жуфтликини қамраб олишга имконият яратади.

Антонимик муносабат фақат сўзлар орасида эмас, балки сўз билан фразеологик ибора орасида ҳам (*бостир — ҷумъиқнир этса, юраги ширр этадиган; қўрқоқ — юрагида ёли бор* каби) воқе бўлади. Шуни ҳисобга олиб, бу луғатга фра-зеологик ибора қатнашадиган антонимик жуфтликлар ҳам қисман киритилди.

II. Луғатнинг тузилиши

1. Луғат қатъий алфавит тартибида тузилди.
2. Луғатда икки хил мақолалар — изоҳ мақолалари ва ҳавола мақолалари мавжуд.
3. Изоҳ мақоласи анча мураккаб тузилишли бўлиб, унда аввал антонимик жуфтлик келтирилди. Изоҳ мақоласини бошлаб берувчи бундай жуфтликлар антонимлар алфавит тартибида жойланди: *ёмон — яхши, секин — тез* каби.
4. Изоҳ мақоласида, агар мавжуд бўлса, ҳар бир анто-ним остида синоними келтирилди. Бундай синонимларни осто-уст жойлашда алфавит тартибига эмас, балки уларнинг нутқ-

да оз-кўп ишлатилишига амал қилинди. Фразеологик ибора антоним бўлиб келса, у синоним сўзлардан кейин жойланди.

ХАФА 2

ғамгин	шод
ғамли	хургам
ғуссали	хушнуд
қайгули	вақти чоғ
қовоғидан қор ёғади	օғзи қулогида

Бундай антонимик группанинг биринчи вертикал қаторидаги ҳар бир сўз иккичи вертикал қаторидаги ҳар бир сўзга антоним бўлади. Масалан, юқоридаги антонимик группада антонимик жуфтликлар миқдори 36 та бўлади.

5. Антонимик жуфтликлардан нутқда энг кўп ишлатида-дигани доминант жуфтлик деб белгиланди. Масалан, бо-тири — қўрқоқ, ботир — юраксиз, жард — қўрқоқ, жард — номард, дов юрак — юраксиз каби жуфтликлардан биринчи-си шундай хусусиятга эга.

Луғат мақоласида доминант антонимик жуфтлик қора рангли бош ҳарфлар билан ёзилди. Уларнинг синонимлари эса қора рангли кичик ҳарфлар билан ёзилди:

АЗОБ

азоб-уқубат	ҳузур
заҳмат	ҳузур-ҳаловат

РОҲАТ

роҳат-фағотат

6. Шундан кейин ҳар бир антонимнинг маъносига таъриф берилди:

АЗОБ

• • • •

Руҳан ёки жисмонан кучли да-даражада қўйналиш Руҳан ёки жисмонан кучли да-ражада яйраш

РОҲАТ

• • • / .

7. Ҳар бир антоним босма манбалардан, биринчи навбатда бадиий асарлардан, шунингдек мақол, матал, қўшиқ каби-лардан олинган мисоллар билан тасдиқланди.

8. Луғат мақоласида мисоллар қуйидаги тартибида берилди:

а) таркибида антонимик жуфтлик ишлатилган мисоллар, қайси антонимик жуфтликини акс эттиришидан қатъи назар,

¹ Н. П. Колесниковнинг юқорида таъкидланган луғатига қаранг.

² Юқорида таъкидланган луғатларга қаранг.

³ В. Н. Комиссаровнинг юқорида таъкидланган луғатига қаранг.

биринчи навбатда берилди ва кейинги мисоллардан уч бурчак белгиси (Δ) билан ажратилди;

б) шундан кейин аввал доминант антонимик жуфтликнинг биринчи компонентига ва унинг синонимларига, орага тўрт бурчак белгиси қўйиб (\square), доминант антонимик жуфтликнинг иккинчи компонентига ва унинг синонимларига мисол берилди;

в) манбалардан олинган цитата мисолларидан ташқари, нутқда кўп ишлатиладиган бирокмалар ҳам ўрни билан келтирилди. Бундай бирокмалар цитата мисолларидан олдин берилди:

ХАБАРДОР

боҳабар
оғоҳ
воқиф

ХАБАРСИЗ

бехабар

Бирор нарса бўлишини ёки бўлганини эшитган, билади-
ган

Ҳаёт Фуломжонга бола юборилганидан хабардор бўлса ҳам, лекин унинг келганидан бехабар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Δ У [Олимжон] — совхоз ҳаётининг ҳамми томонидан боҳабар одам. «Тошкент ҳақиқати». Алишернинг барча яқинлари бу гандан огоҳлар. Ўйғун ва И. Султон, «Навоий». Бирор қишилоқка ўт кетса, одамлар дарҳул воқиф бўладилар, ёнгин даф этилади. С. Кароматов, Ҳижрон. \square Сафар бўзчи Абдураҳмоннинг тўхтаганидан хабарсиз иккичу одам нарига ўтган эди. А. Қодирий, Мехробдан ч.

9. Кўп маъноли сўз бир маъноси билан бир сўзга, бошқа маъноси билан бошқа бир сўзга антоним бўла олади. Масалан, бутун сўзи «йиртиқ, тешик жойи йўқ» маъноси билан *йиртиқ* сўзига, «синиқ жойи йўқ» маъноси билан эса *синиқ* сўзига антоним бўлади. Бундай антоним маънолар лугат мақолаларида араб рақамлари билан белгиланиб, алоҳида-алоҳида изоҳ мақоласи сифатида ишланди:

БУТУН 1

Йиртилмаган, тешилмаган,
йиртиқ, тешик жойи йўқ

ЙИРТИҚ

Йиртилган, тешилган, йиртиқ, тешик жойи бор

БУТУН 2

Синмаган, синдирилмаган, синиқ жойи йўқ

10. Айрим антонимик жуфтликларда бирор сўз бошқа туркум сўзи сифатида келганида ҳам шундай бўлади. Масалан, ошкор—яширин сифат антонимларга ошкора, очиқ ҳамда *маҳфий*, *пинҳон*, *хуфия*, *хуфиёна* сўзлари синоним бўлса, бу антонимлар ҳол вазифасида (равиш ўрнида) келганида эса, булардан ташқари, очиқасига ҳамда *яшириқча*, *енг ичидা* кабилар синоним бўлиб келади. Шунга кўра ошкор—яширин жуфтлигини икки мустақил мақола қилиб бериш лозим бўлади, чунки кейинги маънога оид синонимларни биринчи группага қўшиб бўлмайди: очиқасига ҳамда *яшириқча*, *енг ичидা* кабилар сифатловчи вазифасида ишлатилмайди.

11. Бир сўзга ҳос маънолар лугатта киритилиш тартибида кўра номерлаб борилди (шу сабабли нумерация бу маъноларнинг лугатлардаги нумерациясида мос тушмаслиги мумкин).

12. Предметнинг ёки ҳаракатнинг белгисини билдириб келишига қараб сифатнинг (равишнинг) маъно таърифи озмикўпми фарқ қиласди; бундай фарқли маъно таърифлари қавсали араб рақами билан ажратиб кўрсатилди ва бир изоҳ мақоласининг ичидаги ҳар бири мустақил мақолача сифатида ишланди:

АКТИВ

фаол

1) Бирор фаолиятга жонбозлик, ғайрат билан киришадиган

2) Бирор фаолиятга жонбозлик, ғайрат билан киришиб

13. Омонимлар рим рақамлари билан фарқланди (Шулар кўп маъноли бўлса, рим рақамидан кейин араб рақами ҳам қўйилди):

ТЕРС 3
ТУШ 1

ЎНГ I 1 . . .
ЎНГ II 1 . . .

СИНИҚ

Бутун эмас, бирор жойи учган, кўчган, ёрилган

ПАССИВ

локазид

1) Бирор фаолиятга жонбозлик, ғайрат кўрсатмай киришадиган

2) Бирор фаолиятга жонбозлик, ғайрат кўрсатмай киришиб

14. Антонимларнинг бир-биридан катта фарқ қи ладиган фонетик варианти ҳам ўрни билан берилди:

АДАБЛИ АДАБСИЗ
(одабли) (одобсиз)

Бундай варианtlар қатнашадиган антонимик жуфтликлар ҳавола мақоласи сифатида ҳам берилди:

одабли — одобсиз. Қ. Адабли
одобсиз — одабли. Қ. Адабли

15. Антонимлар, уларнинг маъно таърифи ва бирикма ҳолатидаги мисоллар тик чизиқ билан ажратилди. Текстли мисоллар сатр бошидан кетма-кет ёзилди.

16. Доминант антонимик жуфтликдан ташқари, барча антонимик жуфтликлар алфавит тартибида ҳавола мақоласи сифатидә берилди. Бундай ҳавола мақолалари барча антонимик жуфтликларнинг тескари тартибига кўра ҳам берилди: бусиз лугатдан фойдаланиш имконияти сезиларли даражада камаяди.

17. Ҳавола мақолалари қора рангли кичик ҳарфлар билан терилди. Доминант антонимик жуфтликнинг тескари тартибида лугат мақоласини бошловчи компонент бош ҳарф билан бошланди:

курсанд 2—Хафа 2 каби.

Бундай жуфтлик лугатдан шу бош ҳарф билан бошланувчи сўзга кўра қидирилади.

18. Изоҳ мақоласини бошловчи сўз 1- компонент сифатида берилган ҳавола мақолаларида ҳам шу сўз бош ҳарф билан бошланди:

Аввал—баъдаз каби.

Бундай антонимик жуфтлик шу 1- сўз билан бошланувчи изоҳ мақоласи таркибидан қидирилади.

19. Доминант бўлмаган антонимик жуфтликларнинг тўғри ва тескари тартибига асосланган ҳавола мақолаларида Қ. Қисқартмасидан кейин доминант антонимик жуфтликнинг бош сўзи келтирилди:

қайгули — курсанд 2. Қ. Хафа 2

курсанд 2 — қайгули. Қ. Хафа 2

Бундай антонимик жуфтлик лугатдан шу бош сўз билан бошланувчи изоҳ мақоласи таркибидан қидирилади.

20. Бирикма ҳолатида келтирилган мисолларда баъзи антонимларнинг синоними ҳам берилиб, улар орасига параллел белгиси қўйилди:

Бирордан *а б а д и й* || *и м н г у а ж р а л ж о қ* каби.

21. Сўз таркибидаги факультатив қисм ўрта қавсларга олинди:

БУТУНЛАЙИН каби.

22. Мисол текстига лугат тузувчилар томонидан қўшилган сўзлар ўрта қавсларга олинди: [Иўлчи билан Петров] . . кучли ҳаяжон ва самимият билан қўчоқлаша-қўчоқлаша айрилишиди. Ойбек, Қутлуғ қ.

23. Мисол текстларида автор ишлатган уч нуқта ўзича сақланди; лугат тузувчилар томонидан амалга оширилган қисқартиш ўрнида икки нуқта қўйилди: У сафар олдидан ҳар еал шундай қиласди... А. Мухтор, Чинор. Гигант каналнинг мураккаб шароитларда қурилганлиги . . гидроиншиот қурувчиларининг оммавий қаҳрамонлигидан ҳам далолат беради. «Қ. Ўзб.».

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Афанди л.— Афанди латифалари
Бой ила х.— Бой ила хизматчи
Бўрондан к.— Бўрондан кучли
В. И. Ленин ҳ. ҳ.— В. И. Ленин
ҳақида хотиралар
Жаннат қ.— Жаннат қидирганлар
Кўктерак ш.— Кўктерак шабадаси
Мақол— Ўзбек халқ мақоллари
Меҳробдан ч.— Меҳробдан чаён
Нур қ.— Нур қидириб
Обид қ.— Обид кетмон
Олтин в. ш.— Олтин водийдан ша-
бадалар
Олтин ю.— Олтин юлдуз
Оқсой ш.— Оқсой шалолалари
Оғриқ т.— Оғриқ тишлар
«Равшан» — «Равшан» достони
«С. Ўзб.» — «Совет Ўзбекистони»
газетаси
Сўймас ч.— Сўймас чақмоқлар
Тобутдан т.— Тобутдан товуш

Улуг й.— Улуг йўл
Уч и.— Уч илдиз
Фарғона т. о.— Фарғона тонг от-
гунча
Чин м.— Чин муҳаббат
«Шарқ ю.»— «Шарқ юлдузи» жур-
нали
Шинелли й.— Шинелли йиллар
Ўзб. ҳ. қ.— Ўзбек халқ қўшиқлари
«Ўзб. ҳ.-қ.»— «Ўзбек хотин-қизла-
ри» журнали
Ўтган к.— Ўтган кунлар
Қадрдон д.— Қадрдон далалар
Қорақалпоқ қ.— Қорақалпоқ қис-
саси
Қуёш қ.— Қуёш қораймас
Қутлуғ қ.— Қутлуғ қон
«Қ. Ўзб.»— «Қизил Ўзбекистон»
газетаси
Ҳаёт б.— Ҳаёт булоқлари
Ҳазрати и.— Ҳазрати инсон

АБАДИЙ 1

мангу 1

Ҳамиша давом этадиган, муддат
билин чекланмаган, поёни йўқ
Абадий осойишталик (тинч-
лик)

Мангу ҳукмронлик

Унинг назарида .. уй ва ундаги ҳар бир нарса абадий қашшоқлик ни-
шонаси бўлиб кўринар эди. А. Қаҳдор, Кўшчинор. Коммунистик форма-
ция мангу формациядир. «Марксча-ленинча философия асослари». □
Бир қарасанг, ҳамма нарса бор, яна бир қарасанг, ҳеч нарса йўқдайдай. Бари
вактина .. Ҳудди ўзим ҳам бу дунёда вактина да аман
А. Мухтор, Туғилиш.

абадий 2 — вактина 2. Қ. Бутун-
лай[ин]

абадий 3 — Вактина 3

абжир 1 — башанг. Қ. Лапашанг

абжир 1 — лаванг. Қ. Лапашанг

абжир 1 — лаванд. Қ. Лапашанг

абжир 1 — ландавур. Қ. Лапашанг

абжир 1 — Лапашанг

АБСОЛЮТ

Бошқа нарсага нисбат бермай, қи-
ёс қильмай, ўз-ўзича олинадиган

Абсолют ҳақиқат

Абсолют камлик

ВАҚТИНЧА 1

Маълум муддат давом этадиган,
муддати чекланган, поёни бор.
Вактина осойишталик
(тинчлик)

Вактина ҳукмронлик

абжир 1 — ишуд. Қ. Лапашанг

абжир 1 — оғзидали ошини олдира-

диган. Қ. Лапашанг

абжир 1 — уқувсиз. Қ. Лапашанг

абжир 2 — сусткаш. Қ. Эпашанг

абжир 2 — тепса - тебранмас. Қ.

Эпашанг

абжир 2 — Эпашанг

НИСБИЙ

Бошқа нарсага нисбат бериб,
киёс қилиб белгиланадиган

Нисбий ҳақиқат

Нисбий камлик

Жойнинг океан юзасидан бўлган баландлиги а б с о л ю т баландлик деб аталади. География дарслиги. □ Тепаликнинг ётагидан тепасигача бўлган тик баландлик нисбий баландлик деб аталади. География дарслиги.

АБСТРАКТ

мавҳум

Абстракцияга асосланган, абстрактлик белгиси бор; амалга ошиши редал бўлмаган

Абстракт түшүнчә

Абстракт || маъхум отлар

Халқимизнинг маданиятига хос миллий ва интернационал ҳусусият *маъхум эмас*, балки мутлақо *конкрем түшүнчадир*. «К. Ўзб.». △ Коммунистик жамият қуриши қандайдир *абстракт иши эмас*. «К. Ўзб.»

АВАНГАРД

Ҳарбий юришда асосий аскарий қисмлардан олдинда борувчи отряд

30 октябрь кечаси душман марказ группасининг *авангард қисмлари* Чайка дарёси бўйига шикуб, Қизил Армия кучларининг *аръерга рди билан тўғнашиди*. И. Раҳим, Чин м.

Аввал — баъдаз

АВВАЛ

аввало

бошлаб

олдин

Биринчи навбатда, бошқа иш-ҳараратдан илгари, дастлабки фурсатда

Бўтабой ака а в а л яхши гапиди, к е й и н шовқин солиб: «Бригадирликдан түширамиз», — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Улар а в в а л о ўз қишилоқларидан, с ў н г р а баланд тоғлардан узоқлаша бордилар. П. Турсун, Ўқитувчи. [Азизбек] Б о ш л а б фуқарога салом берди, с ў н г р а синиқ ва ожиз қолган бир товуш билан ҳалқа узр айтди. А. Қодирий, Ўтган к. Савдоғарлардан олдин хат келади, к е й и н ғазари келишарди. Ойбек, Кутлуғ қ. А в в а л таом, баъдаз калом. Ҳикматли сўз.

Аввал | сўнгра

АВВАЛГИ

олдинги

Бошқасидан кўра олдин жой олган
Китобнинг а в в а л г и || о л д и н г и
вараги

КОНКРЕТ

Абстракцияга асосланмаган, конкретлик белгиси бор

Конкрем түшүнчә

Конкрем отлар (грамматика)

АРЬЕРГАРД

Ҳарбий юришда асосий аскарий қисмлардан орқада, унинг хавфсизлигини таъминлаб борувчи отряд

КЕЙИН

сўнгра

баъдаз

Кейинги навбатда, бошқа иш-ҳарарат бўлиб ўтгач, орадан бирмунча вақт ўтгач

КЕЙИНГИ

Бошқасидан кўра кейин жой олган
Китобнинг к е й и н г и вараги

Мирзакаримбай ўсиқ қашларини чимириб сукут қилди. Йўлчидаги бу кескин ўзараш үнинг а в в а л г и фикрини тасдиқлади. Ойбек, Кутлуғ қ. Қисим қоронги түшгунча душманни олдинги окоплардан қўшиб сурбичикарди. А. Қаҳҳор, Олтин ю. □ Ратно к е й и н г и мисрани ўқиб, ўлашиб қолди. А. Қодирий, Мехробдан ч.

аввало — баъдаз. Қ. Аввал
аввало — кейин. Қ. Аввал
аввало — сўнгра. Қ. Аввал

АВЛОД

Бир ота-онанинг фарзандлари;
келажак бўғин кишилари

Минг йиллар сўнгига ўсажак а в л о д Бизга раҳмат айтаб, ҷузар қўлини. Ўғун. □ Аждод о д л а р и м и з бизга бой, бебаҳо маданий мерос қолдиршиди. «С. Ўзб.».

АДАБЛИ

(одобли)

Ахлоқ қоидаларига амал қиладиган, хулқи, ўзини тутиши яхши; тарбия кўрган

О добли бола

Ўтқиржон шаддод бўлгани билан, жуда а д а б ли йигит экан. Сўзлашувдан. □ Ҳар а д а б с и з г а адаб, фикр ила дониш ўргатиб, Эл ишида обрўсин хўб расо қилди қалам. Ҳамза Ҳакимзода, Қалам.

адабсиз — Адабли

АДОЛАТ

Ҳақиқатга асосланган, беғараз муносабат, тадбир, иш

Башарият тарихи зулм, ҳақсизлик, талончилик даврини поймол этиб, ёрк ва а д о л а т н и н г нурли асрига ғолибона юраётир. Ойбек, Нур қ.

АЖДОД

Ҳозирги авлоднинг ота-онаси, отабоболари; олдинги бўғин кишилари

АДАБСИЗ

(одобсиз)

Ахлоқ қоидаларига амал қилмайдиган, хулқи, қилиғи ёмон; тарбияси бузук

О добсиз бола

□ Элмурод ўламиб ташқарига чиқди. Ҳақсизлик, адолатсизлик унинг ишни ұртай бошлади. П. Турсун, Үқитувчи.

АДОЛАТЛИ

одил

Адолатга, ҳақиқатта асосланувчи

А дол ат ли уруш

О д и л киши

[Юсуфхон қизиқ:] Мен болаларни севаман. Чунки үлар пок, а долатли ед талабған. Т. Обидов, Юсуфхон қизиқ. Агар подиоқ одил бўлса, унинг қўл остидаги бой, мулла, арбоб ва оқсоқоллар ҳам одил бўладилар. С. Айний, Қуллар. □ Ўзбек одил Отабекка деди: «Инсофис, а долатсиз!» Отабек заҳарханда билан сўради: «Мен бошида сизга нима деган ёдим?» А. Қодирий, Ўтган к.

адолатсиз — Адолатли

адолатсиз — одил. К. Адолатли

адолатсизлик — Адолат

АДРЕСАНТ

Почта орқали хат, посылка кабиларни юборадиган киши, ташкилот; юборувчи

Адресант алоқа бўлми индексини аниқ ёэса, адресат хатни тезроқ олади. Радиоэшиттиришдан.

адресат — Адресант

ажход — Авлод

Ажралмоқ 1 — бирлашмоқ 1

АЖРАЛМОҚ 1

айримоқ

Бирор гуруҳ билан боғланишини ўқотмоқ, унинг таркибий қисми бўлмай қолмоқ

Отряддан ажралмоқ

Тўлидан айримоқ

Эла эл қўшилса — даимат, элдэч эл айримса — кулфат. Мақол ажралмоқ 2 — ёпишмоқ. К. Ажрамоқ. ажралмоқ 2 — жипслашмоқ. К. Ажрамоқ.

АДОЛАТСИЗ

Адолатга, ҳақиқатга хилоф

А дол ат сиз уруш

А дол ат сиз киши

АДРЕСАТ

Почта орқали юборилган хат, посылка кабиларни оладиган киши, ташкилот; оловчи

АДРЕСАТ

ҚЎШИЛМОҚ

бирлашмоқ 1

Бирор гуруҳнинг таркибий қисмига айланмоқ

Отрядга қўшилмоқ

Отряднинг асосий қисми билот бирлашмоқ

Эла эл қўшилса — даимат, элдэч эл айримса — кулфат. Мақол ажралмоқ 2 — ёпишмоқ. К. Ажрамоқ. ажралмоқ 2 — жипслашмоқ. К. Ажрамоқ.

АЖРАМОҚ

ажралмоқ 2

кўчмоқ

Биргалик, яхлитлик ҳолатини йўқотмоқ, алоҳида-алоҳида бўлиб қолмоқ

Түфлиниг поинаси ажраб || ажралиб || кўчиб кетди.

Шурупни бўшатсангиз, чапсак кўчади, кейин орага пона едирасиз. Сўзлашувдан. □ Шурупни қотирсангиз, чапсак ёпишади, ёшик табақаси ҳам бир сиз тортилади. Сўзлашувдан.

Ажрамоқ — жипслашмоқ

АЖРАТМОҚ 1

айрмоқ 1

Маълум миқдор нарсадан бир қисмини олиб, алоҳидаламоқ

Шкафдаги китоблардан ўнтасини ажратиб олмоқ

Ўз ҳиссасини айриб олмоқ

[Йўлчи] Белобигига тигилган қирқ тийин чақадан тегишилисини айнишиб олиб, пиёла шига ташлади, ўринидан турди. Ойбек, Кутлуғ қ. □ Ўн сўм пулни катмондаги пулларга қўшиб қўйди. Ойбек, Кутлуғ қ.

АЖРАТМОҚ 2

айрмоқ 2

Бир-бiri билан уришаётган кишилар ёки ҳайвонларни уришни тўхтатишга, бир-биридан узоқлашишга мажбур қилмоқ

Хўрозвларни ажратмоқ
Уришаётган болаларни айримоқ

Одамлар ажратмагандা, бу хотин мулла Норқўшини ғажиб ташлар эди. А. Қаҳҳор, Маъз емаган хотин. □ Маҳалла болалари, ўспирин йигитлар юнги тўзиган икки катта кучукни уршитира радилар. Ойбек, Кутлуғ қ.

ажратмоқ 3 — бирлаштироқ. К. Айрмоқ 3.

ажратмоқ 3 — бошини қовуштироқ. К. Айрмоқ 3.

ЁПИШМОҚ

жипслашмоқ

Биргалик, яхлитлик ҳолатига эга бўлмоқ

Бу поина елим билан эмас, михлаш билан ёпишади || жипслашади.

ҚЎШМОҚ 1

Бирор нарса ёнига шу нарсадан яна маълум миқдор бирлаштироқ

Шкафдаги китобларга ўнта китоб қўшимоқ

Ўз ҳиссасини қўшиб бермоқ

[Йўлчи] Белобигига тигилган қирқ тийин чақадан тегишилисини айнишиб олиб, пиёла шига ташлади, ўринидан турди. Ойбек, Кутлуғ қ.

УРИШТИРМОҚ

Кишилар ёки ҳайвонларни бир-бiri ҳамла қилишга, ташланишга мажбур қилмоқ

Хўрозвларни уршишимоқ
Болаларни уршишимоқ

Ажрашмоқ

АЖРАШМОҚ

Эр-хотинлик муносабатини бекор қилмоқ

Уч талоқ билан ажрашган эр-у хотин ярашмоқчи бўлса, . М. Исмоилий, Фарғона т. о.

азамат — кичик 1. Қ. Катта 1

азамат — майда 5. Қ. Катта 1

азамат — чор. Қ. Катта 1

АЗИЗ

Ҳамма эъзозлайдиан, қадр-қиймати баланд

Сув келтирган хор-у зор, кўза синдириган азиз. Мақол. Эл азиз этган жишини ҳеч киши хор айламас. Мақол. △ Азиз астимизнинг азиз онлари Азиз одамлардан сўрайди. қадрин. F. Фулом. □ Қуллар ва туллар .. Очиликдан, зорликдан гезарид лаби, Ожиз, маҳкум, хор ва бетадбир, «Нон» дега, «Нон» дега суриниб кечмишидир. F. Фулом, Турксиб йўлларида.

азим — кичик 1. Қ. Катта 1

азим — майда 5. Қ. Катта 1

азим — чор. Қ. Катта 1

АЗОБ

азоб-уқубат
захмат

Руҳан ёки жисмонан кучли дараҷада қийналиш

Азоб-уқубатда яшамоқ

Ўн икки ойда келур бир таноб, Ўзгаларга роҳат-у, менга азоб. Муқимий, Танобчилар. «Ҳар вақт шундоқ. Роҳатини бошқалар кўради, азоби сизга!» — Гулсумбibi пишинг қилди эрига. Ойбек, Қутлуғ қ. [Ифлошев:] Пахтачиликнинг азоби ҳам, ҳузури ҳам бор. «Қ. Ўзб.». Қийинчилкни енгмай, заҳмат чекмай, роҳат кўрши мумкинми? «Қ. Ўзб.». △ Антонина дэз ҳузур-ҳаловатини кўзламай, болаларининг ғам-ташвиши билан яшади. «Ўзб. х.-қ.». «Сиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам ўтмишининг ҳузур-ҳаловатини кўргансиз, мен ва менинг ота-боболарим ўтмишининг жабр-зўлмини кўрган», — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи. Николай замонида бир парча нон ташвиши билан азоб-уқубатда ўтдик. Ойбек, Қутлуғ қ. Султон Ҳасонбек ва Мир-

ЯРАШМОҚ 1

Эр-хотинлик муносабатини тикла-моқ

Уч талоқ билан ажрашган эр-у хотин ярашмоқчи бўлса, .

М. Исмоилий, Фарғона т. о.

азамат — кичик 1

азамат — майда 5

азамат — чор. Қ. Катта 1

ХОР

Ҳамма таҳқирлайдиган, қадр-қиймати йўқ

Сув келтирган хор-у зор, кўза синдириган азиз. Мақол. Эл азиз этган

жишини ҳеч киши хор айламас. Мақол. △ Азиз астимизнинг азиз онлари

Азиз одамлардан сўрайди. қадрин. F. Фулом. □ Қуллар ва туллар ..

Очиликдан, зорликдан гезарид лаби, Ожиз, маҳкум, хор ва бетадбир,

«Нон» дега, «Нон» дега суриниб кечмишидир. F. Фулом, Турксиб йўлларида.

азим — кичик 1

азим — майда 5

азим — чор. Қ. Катта 1

РОҲАТ

ҳузур
ҳузур-ҳаловат
роҳат-фарогат

Руҳан ёки жисмонан кучли дараҷада яйраш

Роҳат-фарогатда яшамоқ

Ўн икки ойда келур бир таноб, Ўзгаларга роҳат-у, менга азоб. Муқимий, Танобчилар. «Ҳар вақт шундоқ. Роҳатини бошқалар кўради, азоби сизга!» — Гулсумбibi пишинг қилди эрига. Ойбек, Қутлуғ қ. [Ифлошев:] Пахтачиликнинг азоби ҳам, ҳузури ҳам бор. «Қ. Ўзб.». Қийинчилкни енгмай, заҳмат чекмай, роҳат кўрши мумкинми? «Қ. Ўзб.». △ Антонина дэз ҳузур-ҳаловатини кўзламай, болаларининг ғам-ташвиши билан яшади. «Ўзб. х.-қ.». «Сиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам ўтмишининг ҳузур-ҳаловатини кўргансиз, мен ва менинг ота-боболарим ўтмишининг жабр-зўлмини кўрган», — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи. Николай замонида бир парча нон ташвиши билан азоб-уқубатда ўтдик. Ойбек, Қутлуғ қ. Султон Ҳасонбек ва Мир-

забек Ҳирстда роҳат-фарогатда умр кечириб, дэз ажаллари билан улдилар. М. Осим, Сеҳрли сўз.

АЗОБ — роҳат-фарогат

АЗОБ — ҳузур

АЗОБ — ҳузур-ҳаловат

АЗОБ-УҚУБАТ — роҳат. Қ. АЗОБ

азоб-уқубат — роҳат-фарогат. Қ.

АЗОБ

азоб-уқубат — ҳузур. Қ. АЗОБ

азоб-уқубат — ҳузур-ҳаловат. Қ.

АЗОБ

АЙБДОР

аёбли

қора 1

Айб иш қелган, аёби бор

Айб д ор || а ё б ли киши

АЙБСИЗ

беайб

оқ 1

Айб иш қилмаган, аёби йўқ

Айбсиз || беайб киши

Терговчи ҳам хит бўлди. Ахир у бу ерга ўйнагани келмаган-ку. Махсус топшириқ билан оқни оғқа, қорани қорага ажратиш учун келган. С. Анербесев, Сқсой. Текширамиз: оқни оғқа, қорани қорага ажратамиз. С. Аҳмад, Ҳукм. △ Бу мајслиснинг қаҳрамони бўлган комсомол Ҳасан айб д ор да ёрга қараб ўтирган бўлса ҳам, дэз кўнглида нималар ўтганини ҳеч кимга билдиримасликка уринмоқда эди. С. Айнӣ, Қуллар. Ўзини айб ли санаган Йўлчининг кўкраги оғир туйғулар билан тўлди. Ойбек, Қутлуғ қ. □ Кечаси яшиги тасодиған очик қолгани учун партизанлар билан алоқада айбланиб отилган айбсиз чоннинг мозорини .. кўрсатдилар. Ойбек, Қуёш қ. Адвокат Зайдль .. ҳужжат ва гувоҳлар баёнсти бўлишига қаралай ўни [ясеовчини] беайб билади кўрсатишга уринди. «Қ. Ўзб.».

Айбдор — беайб

Айбдор — оқ 1

АЙБЛАМОҚ

Айбдор деб исботламоқ

[Ҳамид] у ерда ҳам тинч ётмай, Ўтаббой қушбегини пораҳўрликда айб деб Мусулмон чўлсека ариза берган. А. Қодирий, Ўтган к. □ Рихси .. уни ҳимоя қилиб айтлаётган бундай сўзларни биринчи марта ўшират, бу хилда одамлар борлигини имл бор кўриб турмоқда эди. С. Зунунова, Гулхан.

айбли — айбсиз. Қ. Айбдор

айбли — беайб. Қ. Айбдор

айбли — оқ 1. Қ. Айбдор

айблси — Айбдор

ҲИМОЯ ҚИЛМОҚ

Айбсиз деб исботламоқ

айблси — айбли. Қ. Айбдор

айблси — қора 1. Қ. Айбдор

айблси — Айбдор

АЙЁР

ҳийлагар
муғамбир

қув

хирпа

қилвир

догули

илоннинг ёғини ялаган

Макр-ҳийла, қувлик-шумлик билан
иш тутадиган, алдашга уста

Айёр || маккор аёл

Ҳийлагар || муғамбир йигит

Қув || қилвир || догули чол

*Илоннинг ёғини ялаган
кампир*

[Кумуш:] Сизни ҳ и й ла г а р дедим: Эсингиздами, с о д д а отамни, г ў л
онамни қандоглар қилиб алладингиз? .. А. Қодирий, Ўтган к. «Уста, мен
сизни с о д д а деб юрадим, анча қ у в экансиз-а, тавба», — деди Ашур-
той ака. Р. Файзий, Ҳазрати и. △ Мирзакаримбой илоннинг ёғини
я л а г а н одам: ҳамма бойлар каби а ё ё р, м уғ а м б и р, пухта-пиишиқ.
Ойбек, Қутлуг қ. Биласизми, ғаша эски, х и р п а Боймат бунинг ҳам чо-
расини аллақачон топиб қўйган. Яшин, Ёндирамиз. Ҳа-ҳа, жуда қ и л-
в и р с а н, илоннинг ёғини егансан. Яшин, Ёндирамиз. Буна-
қа д о г у ли ла р ишини боллаб юради. Сайд Аҳмад, Қадрдан д. □ С о д-
д а д и л в а нодон одамлар қўй, қўнгир, сигир ва бузоқ етаклаб ..
шайхларга назр қиларди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

Айёр — содда дил

айирмоқ 1 — қўшмоқ 1. Қ. Ажратмоқ 1

айирмоқ 2 — уриштироқ. Қ. Ажратмоқ 2

АЙРМОҚ 3

ажратмоқ 3

жудо қилмоқ

Қишиларни бирга бўлишдан маҳ-
рум қилмоқ

Қариндошларни бир-биридан а и р-
моқ || а ж р а т м о қ || ж у д о
қ и л м о қ

Севишганларни бир-биридан ж у д о
қ и л м о қ

СОДДА 1

содда дил
гўл

Макр-ҳийланни, қувлик-шумликни
бilmайдиган, осонгина алданадиган

Содда || содда дил аёл

Содда дил йигит

Гўл чол

Содда дил кампир

БИРЛАШТИРМОҚ

бошини қовуштироқ

Қишиларни бирга бўлишга эриш-
тироқ

Қариндошларни бир-бири билан
б и р л а ш т и р м о қ || қ ў ш-
м о қ

Севишганларнинг бошини қо-
в у ш т и р м о қ

27

«Фашистлар бизни руслардан а и р ж о қ қ а тиришадилар. Улар сиёсат-
да бенихояят д оғули», — деди Бектемир. Ойбек, Қуёш қ. [Мени | ўғлимдан
а ж р а т с а, ўзи ҳам севсанидан ажрасин. А. Қодирий, Ўтган к. «Хафа
бўлма, болам,— деди ўша қақилдоқ хотин [Ўмидга],— ғай оналг қи-
шиларидан хабардормиз. Сени биздан, бизни сендан ж у д о қ и л д ша.
Мирмуҳсин, Үмид. □ Завод жамсат конструкторлик бюроси ва сту-
дентларнинг жамсат конструкторлик бюроси ўз кучларини бирлаши-
т и р и б, ишни охирига етказишига қарор қилди. «Қ. Ўзб.». Учаласи уч
ёқка тортиб турса, колхоз ҳарсб бўлади. Комилжонга оғир. Уларниң
б о шини қ о в у ш т и р и ш керак. И. Раҳим, Ихлос.

Айирмоқ 3 — бошини қовуштироқ

АЙРМОҚ 4

олмоқ 1

Бирор миқдор сон таркибидан бош-
қа миқдор сонни чиқармоқ

Йигирмадан т ўққизни а и р с а к || ол с а к, ўн бир қолади. □ Ўн бир-
га т ўққизни қ ў ш с а к, йигирма бўлади.

айрилиқ — васл. Қ. Висол

айрилиқ — Висол

айрилмоқ — бирлашмоқ 1. Қ. Аж-
ралмоқ 1

ҚЎШМОҚ 2

Бирор миқдор сонни бошқа миқдор
сон билан бирлаштироқ

Йигирмадан т ўққизни а и р с а к || ол с а к, ўн бир қолади. □ Ўн бир-
га т ўққизни қ ў ш с а к, йигирма бўлади.

айрилиқ — қўшилмоқ. Қ. Ажрал-
моқ 1

айрилмоқ — бирлашмоқ 1. Қ. Алоҳида

АЙШ-ИШРАТ

Меъридан ортиб кетган кайф-сафо,
майшат

Че киз бойлик, а й и ш -у и ш р а т бир інда, Қашшоқлик-у, қ а й ф у -ҳ а с-
р а т бир ёнда. Ўзб. х. қ.

аксилинқилобий — инқилобий. Қ. Контрреволюцион

аксилинқилобий — революциси. Қ. Контрреволюцион

Актив — лоқайд

АКТИВ

фаом

1) Бирор фаолиятга жонбозлик,
ға йрат билан киришадиган

Ак т и в иши

Ак т и в || ф а о л ұ қуғи

.. Энг а к т и в ва онгли гражданлар .. Совет Иттифоқи Коммунистик
партиясига бирлашадилар. «ЎзССР Конституцияси»дан. Агар у билан

ҚАЙҒУ-ҲАСРАТ

Меъридан ортиб кетган ғам-алам,
ҳасрат-надомат

ПАССИВ

лоқайд

1) Бирор фаолиятга жонбозлик,
ға йрат кўрсатмай киришадиган

Пасси в иши

Пасси в || л о қ а й д ұ қуғи

турмуш қурсам, уни .. социалистик қурилишинг фабол бир шитирокчиси қилиб тарбиялайман. С. Айний, Қуллар. □ Коммунизмни қуришида пассив, бегам кишилар бўлмаслиги керак. «Қ. Ўзб.».. Ҳақ иши мизнинг жозигандор кучи бутун дунёда қанчалик мустаҳкамланиб бораётганлигини фақат лоқайд қишиларгина кўрнаётирлар. «Қ. Ўзб.».

2) Бирор фаолиятга жонбозлик, тайрат билан киришиб

Акти в қатнашмоқ

Фабол шитирок этмоқ

Фарғона облостъ комсомол ташкилотлари босмагаликка қарши айниқса акти в курашибилар. «Қ. Ўзб.» [Ашурров] Кувасой цемент комбинатини, тикилаша фабол қатнашган. «Қ. Ўзб.» □ Улар [ёш ёзувчи, шоирлар] воқеаликни, ҳаётни жуда юзаки ва пассив ўрганадилар. «С. Ўзб.». Қўнгалинг сезган нарасага лоқайд қарама, ўғлим! А. Мухтор, Опа-синг.

АЛИК ОЛМОҚ

Ўзаро учрашганда иккинчи бўлиб «Ваалайкум ассалом» деб ёки маълум имо-ишора билан табрикламоқ
Салом бермаган бир марта гуноҳкор бўлса, алик олмаган юз марта гуноҳкор бўлади. Матал.

АЛОХИДА

айрим

Бошқаларга қўшмаган (қўшилмаган) ҳолда

Алоҳида сақламоқ

Айрим боқмоқ

Фовур .. шида Саримсоқовнинг чинқириб йиглаган товуши алоҳида ўшишиб турар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. «Қолоқ хожаликлар нима қиласди?»—деб сўради Юсвали тоға. «Бу масалани айрим ҳал қиласиз»,—деди Алексей. П. Турсун, Ўқитувчи. □ Домла .. пионер болалардан иккитасини бирга олиб юра бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи.

АНАЛИЗ

Бутунни (яхлитни) бўлакларга (қисмларга) ажратиб текшириш усули

Химия анализ ва синтез фани дир. «Қизиқарли геохимия». Δ [Геологлар] Лаборатория анализлари учун ер қатламларидан намунала олишимоқда. «С. Ўзб.».

САЛОМ БЕРМОҚ

Ўзаро учрашганда биринчи бўлиб «Ассалому алайкум» деб ёки маълум имо-ишора билан табрикламоқ

БИРГА 1

Кимгадир, нимагадир қўшган (қўшилган) ҳолда

Бирга сақламоқ

Бирга боқмоқ

СИНТЕЗ

Бўлакларни (қисмларни) бутуни (яхлитга) бирлаштириб текшириш усули

АНДИШАЛИ

Ноўрин, номаъқул иш қилиб қўймасликни ўйлайдиган; юз-хотирни биладиган

Ашурмирзонинг катта оласи кўп андишили хотин эди. М. Исломий, Фарғона т. о. □ «Ози бир ой ўтмасданми, андишиси з?» деган сўзлар эшишила бошлади. А. Қодирий, Ўтган к.

андишиасиз — Андишали

андуҳ — вақтичолик. Қ. Шодлик

андуҳ — севинч. Қ. Шодлик

андуҳ — хурсандлик. Қ. Шодлик

андуҳ — қувонч. Қ. Шодлик

АНИК

Яққол кўриниб, билиниб турадиган, очиқ-оидин тасаввур қилиб бўладиган

Аниқ фикр

Унинг сўзлари болаларча содда, самимий, лекин аниқ .. эди. Ойбек, Кутлуг қ. Колхозчилар, айниқса Эшонхўжа ака меҳмонларнинг ҳар бир саволига тўлиқ, аниқ жавоб бершига ҳаракат қиласди. «Муштум». □ Худди шундай вақтларда бўлганидек, хабарлар ноаниқ, чалкаш-чуклаш эди. Ойбек, Кутлуг қ. Грейдернинг ёрдамга куч сўраб берган телеграмма, радиограммаларига турлича ноаниқ жавоблар келди. И. Раҳим, Чин м.

Анқов — ер тагида илон қимирласа, биладиган

Анқов — зийрак 1

АНҚОВ

меров

орзинг қани деса, қулогини кўрсатадиган

Вазиятни тезда сезиб, баҳолаб, бирор чора-тадбир белгилашга нўноқ

Анқов бола

Меров йигит

Оғзинг қани деса, қулоғини кўрсатадиган аёл

АНДИШАСИЗ

Ноўрин, номаъқул иш қилиб қўйишидан чўчимайдиган; юз-хотирни билмайдиган

андуҳ — хурсандчилик. Қ. Шодлик

андуҳ — хушвақтлик. Қ. Шодлик

андуҳ — Шодлик

андуҳ — қувонч. Қ. Шодлик

НОАНИҚ

Яққол кўриниб, билиниб турмайдиган, очиқ-оидин тасаввур қилиб бўлмайдиган

Ноаниқ фикр

Анқов — сезигир

Анқов — туйғун

ҲУШЁР 1

зийрак 1

сезигир

туйғун

ер тагида илон қимирласа, биладиган

Вазиятни тезда сезиб, баҳолаб, бирор чора-тадбир белгилашга қодир

Ҳушёр || зийрак || сезигир бола

Ер тагида илон қимирласа, биладиган йигит

Туйғун аёл

Анқовлик

З и й р а к деган сўз нима-ю, **А н қ о в** деган сўз нимадир? Бу сўзларнинг жаъносини, Айтингиз-чи, ким билади? К. Муҳаммадий. Δ Кекса яшон эса ўз тажрибасидан чиқарган лўнда хулоасини а н қ о в отинойлига чайна бермоқда. П. Турсун Ўқитувчи. .. Оғзин г қ а н и д е с а , кулоғини к ўрсатадиган, меревроқ эди. «Муштум». □ ..ўртоқ Эргашевнинг ҳуашёргилигига тан бериш керак. А. Қаҳҳор, Мунофиқ. Бундай т уғ у н, бундай з и й р а к, бундай боадаб қиз еттиш аҳлимда ҳам топилмайди. Ойбек Қутлуқ қ. Аҳнад Ҳусайн воқеанишини истамади. Барибир унинг сезгири дадаси мана ҳозир келиб, бутун сирни очишга уни мажӯр ётади. Ойбек, Нур қ. Она деган е р т а г и д а илон қ и м и р л а г а к и н и б и л а д и , болам. М. Муҳамедов, Қичик г.

Анқовлик — зийраклик

АНҚОВЛИК

меровлик

Вазиятни тезда сезиб, баҳолаб, бирор чора-тадбир белгилашга нўноқлик

Қоровулнинг анқовлиги (меровлиги) оқ ибатидаги чиққан ёнғин шоғернинг ҳуашёргилиги (зийраклиги) туфайли ўз вақтидикширилди. Сўзлашувдан.

анқога шафе — сероб. Қ. Камоб
анқонинг тухуми — сероб. Қ. Камоб

анқонинг уруғи — сероб. Қ. Камоб

АПОГЕЙ

Ой ёки сунъий йўлдош орбитаси-нинг ердан энг узоқ нуқтаси

Ҳозирги вақтда «Салют-6» станицаси орбитасининг параметрлари қўйи давига: ер юзасидан максимал олислиги — а п о г е й д а — 137 километр ер юзасидан минимал олислиги — п е р и г е й д а — 334 километр. «С. Ўзб.»

апоқ-чапоқ — ноаҳил. Қ. Аҳил
апоқ-чапоқ — ноиттифоқ. Қ. Аҳил
апоқ-ча поқ — терс 1. Қ. Аҳил

АРАНГ

зўрга

базўр

Қатта қийинчилик билан, қаттиқ уриниб, мاشақкат билан

Қопни ара ге || зўрга кўтармоқ
Юкни ба зўр кўтармоқ

ҲУШЁРЛИК 1

зийраклик

Вазиятни тезда сезиб, баҳолаб, бирор чора-тадбир белгилашга қодирлик

ПЕРИГЕЙ

Ой ёки сунъий йўлдош орбитаси нинг ердан энг узоқ нуқтаси

Ҳозирги вақтда «Салют-6» станицаси орбитасининг параметрлари қўйи давига: ер юзасидан максимал олислиги — а п о г е й д а — 137 километр ер юзасидан минимал олислиги — п е р и г е й д а — 334 километр. «С. Ўзб.»

БЕМАЛОЛ

даст

Ҳеч қандай қийинчилик сезмасдан қийналмасдан

Қопни б е м а л о л кўтармоқ
Юкни д а с т кўтармоқ

У жуда оғирлашган. Беш-олтига бўлишиб ара н г қўзғатадилар. Бармоқлари ачишиди, дам-бадам оғизларига, қўлтиқларига тиқадилар, пулайдилар. Ойбек, Қутлуғ қ. [Домла] .. ҳар бирини бир одам з ўрға кўтариадиган икки чамадонни ўзи якка кўтарида ва машинага томон юрди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза. Ориф ота ҳайрон бўлиб қаддини ростлади, сувни ба з ўр кўтариб, самоварга ағдарди. Р. Файзий, Ҳазрати и. □ Эрталаб кўпrik бошикадан қилинди, энди ҳар қандай оғир юк билан б е м а л о л ўтса бўларди. А. Муктор, Ола-сизгиллар. Аҳмаджон Ўни [немисни] д а с т кўтариб, похолниң устига улоқтиради. А. Қаҳҳор, Олтик ю.

Аранг — даст

арзимас — Аҳамиятли

арзимас — муҳим. Қ. Аҳамиятли

АРЗОН

Нархи паст, оз пулга сотиб олиш мумкин бўлган

Николай замонида майиз қ им м а т , кўкнор а р з о н эди, ҳозирги замонда майиз а р з о н , кўкнор қаҳат. Эсизгина ўша вақтда чала сиқи башланган кўкнорлар; А. Қаҳҳор, Башорат.

АРХАИЗМ

Истеъмолдан чиқиб, эскириб борайтган тил ҳодисаси

ҚИММАТ

Нархи баланд, сотиб олиш учун кўп пул талаб қилинадиган

Николай замонида майиз қ им м а т , кўкнор а р з о н эди, ҳозирги замонда майиз а р з о н , кўкнор қаҳат. Эсизгина ўша вақтда чала сиқи башланган кўкнорлар; А. Қаҳҳор, Башорат.

НЕОЛОГИЗМ

Истеъмолдан янги пайдо бўлган, ҳали одатдаги бўлиб кетмаган тил ҳодисаси

Масалан, дудоқ («лаб»), .. Қ о т и б («секретарь») каби эскилик белгиси мавжуд бўлган сўзлар а р х а и з м а л ғ и р . «Ўзбек тили». □ Н е о л о г и з м л а р оддий сўзлар қаторига киргандан кейин дининг янгилигини ўйотади, бинобарин, неологизм бўлмай қолади. «Ўзбек тили», арьергард — авангارد

АСОСЛИ

Далиллар билан исботланган, етарли асосга эга бўлган

А с о с л и д а ъ в о

А с о с л и х у л о с а л а р

АСОССИЗ

Далиллар билан исботланмаган, бирор асосга эга бўлмаган

А с о с с и з д а ъ в о

А с о с с и з х у л о с а л а р

Докладларда .. меҳнаткашларга майиш хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида эришилган музваффақиятлар тўғрисида а с о с л и м а т л у м о т л а р келтирилди. «С. Ўзб.» □ Лекин у а с о с с и з гумонсирашлар ҳам оғир хатоларга олиб келганини унута олмасди.. П. Қодиров, Уч и.

асоссиз — Асосли

АССИМИЛЯЦИЯ

Нутқ оқимида ўзаро таъсир сабабли товушларнинг ўхшаб кетиш томонга ўзгариши

.. агар ассилияцияда ноўхашаш товушлар ўзаро ўхшаш товушга айланса, диссилияцияда, аксинча, иккита ўхшаш товушдан бирни ўзгариб, бир-бираига нисбатан ноўхашаш бўлиб қолади. «Ўзбек тили».

аста 1 — жадал. Қ. Секин 1

каста 1 — илдам. Қ. Секин 1

АСТА-СЕКИН

(секин-аста)

Маълум вақт давомида шошилмай

Астасекин совуқ тушди.

Иқлим секин-аста ўзгариади.

ДИССИМИЛЯЦИЯ

Нутқ оқимида ўзаро таъсир сабабли товушларнинг ноўхашашлик (фарқланиш) томонга ўзгариши

аста 1 — тез. Қ. Секин 1.

аста 2 — қаттиқ 2. Қ. Секин 2.

БИРДАН

бирданнига

Оз вақт ичидаги кутилмагандаги

Бирданнига совуқ тушди.

Бу ернинг ҳавоси бирдан ўзгариади.

Астасекин одамлар ўғила бошлиди. F. Фулом Шум бола. «.. Ава-
хон ҳали ёш бола, сиёсат билан, насиҳат билан сеқин-аста ўзимиз-
нику қилиб оламиш». «Хушкелди» достонидан. □ Булар шагал тўкилган
атта ўйлдан бурилиб, ён бағирдаги сўқмоққа чиққанларида жала яна
ҳам шиддатлироқ ёғиб, сўнг бирдан тинди. А. Қаҳҳор, Олтин ю.
Тавҳидий бирданнига ўзини орқага ташлаб, Мирза Баҳромга қаттиқ
урилди, иккови ҳам ийқилди. А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

Аста-секин — бирданнига

атайин — Беихтиёр

атайин — бехосдан. Қ. Беихтиёр

АФЕЛИЙ

Планета ёки комета орбитасининг

Қўёшдан энг узоқ нуқтаси

Орбитанинг Қўёшга энг яқин турган нуқтаси перигелий, энг узоқ турган нуқтаси ёса афелий дейилади. «Астрономия» дарслигидан.

афсона — ҳакиқат. Қ. Уйдирма.

АХЛОҚЛИ

Ахлоқ қоидаларига риоя қиласидиган, яхши тарбия кўрган, хулқи намунали

Ахлоқли бола

Ахлоқли аёл

АХЛОҚСИЗ

Ахлоқ қоидаларига риоя қиласидиган, ёмон тарбия кўрган, хулқи бузук

Ахлоқсиз бола

Ахлоқсиз аёл

Акаси муносиб, ахлоқли, одобли, орномусли ўигит бўлса, бу қиз ҳам унинг тенги, муносиби эди. «Муштум». □ [Парпихўжа:] Энди билсан, кий ахлоқсиз ўигит экан Йўлчи жувонмарг.. Ойбек, Қутлуғ қ.

ахлоқсиз — Ахлоқли

Аччиқ 1 — чучук

АЧЧИҚ 1

Таъми қалампирникига ўхшаган.

Аччиқдори

Аччиқанор

Аччиқ билан чучукни тотган билар, Узоқ билан яқинни юрган билар. «Оталар сўзи». □ Бойвачча ҳозирча кабоб, конъяк, ширин вино буюрди, кечига палов тайёрлашини илтимос қилди. Ойбек, Қутлуғ қ.

АЧЧИҚ 2

Кишининг иззат-нафсиға тегадиган хафа қиласидиган

Аччиқ сўз

Аччиқ турмуши

Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутмаж. Мақол.

АҶЛО

беш

Ўқув юртларида энг юқори баҳо (5)

Ўқувчининг билимиға «аъло» баҳо кўймоқ

«Бу ўқши бошланганидан бери нечта «аъло» баҳо олдинг?» — «Битта ҳам .. ёмон» баҳо олганим ўйқ. А. Қаҳҳор, Айб. Гажакдор «2-ларни кимга қўйши кераг-у, савлатли «б» ларни кимга қўйши керак? «С. Ўзб.».

Аъло — икки

АҶЛОЧИ

Барча дарсларни юқори савияда ўзлаштирадиган, ҳамиша «аъло» баҳо оладиган ўқувчи, студент

Аълочига олқиши ёғса, иккичига қарғиши ёғар. Мақол.

ШИРИН 1

чучук

Таъми шакарникига ўхшаган

Ширин чучукдори

Чучук ширин анор

ШИРИН 2

Кишига роҳат багишлайдиган, хурсанд қиласидиган

Ширин сўз

Ширин турмуши

Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутмаж. Мақол.

ЁМОН 1

икки

Ўқув юртларида энг паст баҳо (2)

Ўқувчининг билимиға «ёмон» баҳо кўймоқ

«Бу ўқши бошланганидан бери нечта «аъло» баҳо олдинг?» — «Битта ҳам .. ёмон» баҳо олганим ўйқ. А. Қаҳҳор, Айб. Гажакдор «2-ларни кимга қўйши кераг-у, савлатли «б» ларни кимга қўйши керак? «С. Ўзб.».

Аъло — икки

ИККИЧИ

Дарсларни қониқарли ўзлаштира олмайдиган, сурункасига «ёмон» баҳо оладиган ўқувчи, студент

АҚЛИЙ 1

Ақл-идрок фаолиятига оид, фикр юритиш қобилияти билан белгиланадиган

Ақлий қобилият

Ақлий тарбия

Ақлий ривожланши

Ақлий тарбия ўқувчиларда илмий, марксистик дунёкашини таркиб топтиради. С. Р. Рахабов, Педагогика. □ *Ўшанды Бутун Иттифоқ жи симоний тарбия ва спорт комитети бу курашини спортынинг алоҳидатури сифатида ажратиш ҳақида тавсия берди.* «Тошкент оқшоми».

АҚЛИЙ 2

Ақл-идрок билан, фикр юритиш билан амалга ошадиган

Ақлий меҳнат

Ақлий фаолият

Бу уйда турадиганларнинг ақлий меҳнат билан шуғулланиши сезилип турадар эди. В. И. Ленин ҳ. х. □ *Каттиқ жи симоний меҳнат қўнган ёки кўп ёйл юриб чарчаган киши дам олса бўлади.* П. Турсун, Ўқиту: чи.

Ақли расо — ақлсиз. Қ. Ақлли
Ақли расо — аҳмоқ. Қ. Ақлли
Ақли расо — беақл. Қ. Ақлли

АҚЛЛИ

оқил

если

акли расо

Ақли, мияси яхши ишлайдиган, ўйлаб иш қиласидиган

Ақли киши

Эсли одам

Оқил аёл

Ақли расо чол

Аҳмоқ дўстдан ақлли душман яхши. Мақол. Ақлли ўзини айблар, ақлсиз — дўстини. Мақол. □ *Хуррам деган шеригимиз .. жуда забардаст, оқил одам эди-да.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. Жуда .. сахти келган, если .. қиз. Ўзбек ҳ. д. [Набигул Қодирга:] Сендаи ақл расо, тушунадиган одам бўлса, заводдан кетмас эдим. А. Қаҳҳор, Қа-

ЖИСМОНИЙ 1

Тана аъзоларни ҳаракатига онд, мускуллар фаолияти билан белгилашадиган

Жисмоний қобилият

Жисмоний тарбия

Жисмоний ривожланиши

